



## **«Улар биз бунга лойиқлигимизни айтишди» Қирғизистондаги гей ва бисексуалларга нисбатан милиция ходимларининг шафқатсизлиги**

### **Қисқача баён**

Милиция ходимлари менга, сенга Қирғизистонда жой йўқ, деб айтди. Улар мен каби жуда кўп эркакларини билишини айтди. “Сен (ҳибсга олинган гей) биринчиси ҳам, охиргиси ҳам эмассан”,- деди. Улар менга бу ишимни тўхтатишим ва гей бўлмаслигим кераклигини роса уқтирди.

Михаил Кудряшов, 24 ёшда. 2010 йилда милиция томонидан бир неча марта калтакланган ва номусига тегиш билан таҳдид қилинган.

2012 йилнинг май ойида 32 ёшли Фатхуллога (исми ўзгартирилган) дўсти кўнғироқ қилиб, маҳаллий меҳмонхона ёнида унга ҳамтўшак бўлишга розилик берган бир эркак билан висол имконини гаплашиб қўйганини айтди. Фатхулло белгиланган учрашув жойига келганидаёқ милиция уни қўлга олди. Милиция ходимлари унинг қўлига кишан солиб, таҳқирлади. Милиция бўлимида зобит уни бошқа эркак билан ҳамтўшак бўлиш учун учрашувга чиққанига иқрорнома ёздириш учун юзи ва қулоғига тарсаки туширди. Ундан ишхонаси ва оила аъзоларининг телефонини беришни талаб қилишди. Аслида Қирғизистонда эркаклар ўртасидаги ўзаро розилик асосидаги секс жиноят ҳисобланмаса-да, милиция ходимлари агар Фатхулло пора бермаса ва улар кейинчалик таъмагирлик қилиши мумкин бўлган бошқа гей эркаклар ҳақида маълумот тақдим этмаса, унга қарши “содомия” айби асосида жиноят иши очиш билан таҳдид қилди. Фатхулло ҳибсга бўлганида милиция ходимлари унга қандай муносабатда бўлганини қуйидагича тасвирлаб берди:

Милиционерлар менга ўхшаган инсонларнинг бу заминда туришга ҳам ҳаққимиз йўқлигини айтди. Мен чарчаганимни айтиб, улардан ўтиришга изн сўрадим. Улар мен бу курсида ўтиришга лойиқ эмаслигимни айтди. Улардан бири юзимга тупурди. Улар мен яшашга ҳақли эмаслигимни айтиб, агар уларга 10 минг сўм ((US \$ 214) бермасам, йўқ қилиб юбориш билан таҳдид қилди.

Фатхулло Ғ. билан содир бўлган бу каби воқеа Қирғизистонда ягона эмас. Бу мамлакатда гей ва бисексуаллар милиция томонидан мунтазам равишда жисмонан, жинсий ва руҳий таҳқирланиб келинади. Асоссиз ҳибсга олиниб, пора беришга мажбурланади. Бундай қонунбузарликларга йўл қўйган милиция ходимлари жавобгарликка тортилмайди. Бу эса, ўз навбатида, жазога тортилмаслик муҳитини яратади ҳамда кейинги зўравонликларга рағбатлантиради. Таҳқир қурбонлари ўз жинсий мойилликлари жамоатчиликка ошкор бўлишидан, қасос олиниши ва изза қилинишидан қўрқиб, милиция ходимларининг ўзбошимчаликлари устидан ҳеч кимга шикоят қилмайди. Қирғизистонда милиция тарафидан гейларга нисбатан қийноқ ва зўравонликлар расман тафтиш этилгани ҳолатлари жуда кам. Қирғизистонда гей ёки бисексуал эркаларни қонунсиз ҳибсга олгани, қийнагани ва уларга шафқатсиз муносабатда бўлгани учун милиция ходими жавобгарликка тортилганига оид бирорта ҳолат “Хьюман райтс уотч” ташкилотига маълум эмас.

Милиция тарафидан зўравонлик, шантаж ва таъмагирлик қилиниши, бу каби жиноятлар учун жавобгарликка тортилиш эҳтимоли йўқлиги Қирғизистонда кенг кўлам ва қамровга эга ҳолатдир. Айниқса, жинсий озчиликлар бундай қонунбузарликлардан умуман ҳимояланмаган. Чуқур муҳофазакор жамиятда гейлар ва бисексуал эркалар ўзбошимчаликларга осонгина нишон бўлмоқда.

Кенг урчиган гомофобия ва милициянинг коррупция ботқоғига ботгани бу қонунсизликлар ривожига сабаб бўлмоқда. Умуман қирғиз жамиятида эркак аёлга уйланиб, фарзандли бўлиши шарт, деган стереотип чуқур илдиз отганини кўрамиз. Бу қолип ичига сиғмаган эркалар эса оила ва жамият олдидаги бурчларини бажаришга нолойиқ кишилар сифатида қабул қилинади. Бунинг натижасида гейлар кўп ҳолатларда бу қолипга мос бўлиш учун ўз ҳаёт тарзи ва жинсий мойиллигини яширишга мажбур бўлади. Кўплар гомосексуализмни “фожеа” ва “касаллик” деб ҳисоблайди. Шу боис, “Хьюман райтс уотч” суҳбатлашган гей ва бисексуаллар ўз жинсий мойиллиги ҳақида

оила аъзолари ва ишхонасидагиларга айтмасликни маъқул кўришини билдирган. Улар ўз жинсий ориентациясини ҳар қандай ҳолатда жиддий ва қаттиқ яширишга ҳаракат қилади.

“Хьюман райтс уотч” суҳбатлашган 40 нафар гей ва бисексуал бу ҳисоботни тайёрлаш пайтида милиция улардаги фош бўлишдан қўрқиш туйғусидан яхши хабардор эканини таъкидлади. Суҳбатдошларга кўра, кўп ҳолларда милиция ходимлари гей ва бисексуалларни жинсий ориентациянгни фош қиламан, деб қўрқитган. Милиция уларнинг бу нозик ва ўта ҳассос жойини топиб таҳдид қилган. Кўпчилик суҳбатдошлар, жумладан, зўравонликка учраган пайтида 17 ёшда бўлган икки гей милиция тарафидан жисмоний тазйиққа олинганини айтди.

Сўралганларнинг кўпчилиги милицияда оёқ ва қўл, қўндоқ ва бошқа предметлар билан калтакланганини маълум қилди. Суҳбатдошларнинг бир нечтаси милиция ходимлари томонидан жинсий зўравонликка дучор қилингани, жумладан, номусига тегилгани, гуруҳ бўлиб зўрланганини билдирди. Шунингдек, сўралганлар милиция ходимлари гейларнинг орқа чиқиш тешикларига калтак, болға ёки токли тўқмоқлар тиққанини ҳам айтди. Сўровда қатнашган жинсий озчилик вакиллари ҳибсга олинган пайтида милиция ходимларининг улардан ошкора ҳазар қилгани ва мажбурлаб ечинтирилгани ҳақида ҳам маълумот берди. Баъзи ҳолларда гей эркакларга нисбатан милициянинг бу каби шафқатсиз муносабати қийноқ даражасига етиб боргани айтилди.

Бир неча эркак, жумладан, 17 ёшли ўсмир “Хьюман райтс уотч” билан суҳбатда милиция ходимлари уларни бутилкага ўтқазиб ёки орқа тешигига илгак тиқиб зўрлаш билан таҳдид қилганини билдирди. Шунингдек, милиция уларга: “Сен секс билан шуғулланганда активмисан ёки пассивмисан” қабилидаги таҳқирли саволлар ҳам берган.

“Хьюман райтс уотч” билан суҳбатда бўлган аксарият гей ва бисексуал эркаклар милицияда уларга жинсий мойиллиги ҳақида оила аъзоларига, ишхонаси ёки ўқиш жойига (агар у талаба бўлса) хабар бериш билан таҳдид қилганини айтди. Қирғизистонда одамнинг жинсий ориентацияси фош бўлиши жиддий салбий оқибатларга олиш келиши мумкин. Улар ишидан айрилиши ва жамоат ҳамда жамиятда яккамохов бўлиб қолиши, оиладан қувғин қилиниши мумкин.

Аксарият сўралганлар “Хьюман райтс уотч”га милиция ўзларини 12 да 1000 долларгача пора беришга мажбур қилганини билдирди. Бу пора кейинчалик жисмоний зўравонлик ва ҳибсга дучор бўлмаслиги ёки оила аъзолари ва бошқа шахсларга жинсий мойиллиги фош этилмаслиги учун бадал сифатида тўланган.

Қирғиз милицияси гей ва бисексуалларни айнан уларнинг жинсий мойиллиги асосида ҳибсга олишга юридик жиҳатдан ҳақли эмас. 1998 йилда қабул қилинган Жиноят кодекси бесоқолбозларга қарши совет давридан мерос қолган жазо тизимига барҳам берди. Қирғизистонда эркак билан эркакнинг ўзаро розилик асосида жинсий муносабатга киришиши жиноят ҳисобланмайди. Шунга қарамай, “Хьюман райтс уотч” милиция гей ва бисексуал эркакларни, шунингдек, ўсмирларни жамоат жойларида ҳеч бир асоссиз равишда тўхтатиб, уларни айнан ҳақиқий ёки эҳтимолий жинсий ориентацияси учун ҳибсга олгани тўғрисида маълумотларга эга. Милиция уларни танишув сайтлари орқали аниқлайди, гей клублар, гей ва бисексуал эркаклар ва ўсмирлар учрашадиган истироҳат боғлари атрофида ўз тўрига туширади.

Қирғизистон қонунлари ва мамлакатнинг халқаро ҳуқуқ доирасидаги мажбуриятлари милиция томонидан қийноқлар қўлланилиши, ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш, шафқатсиз муносабат ва таъмагирлик қилинишини тақиқлайди. Ҳуқуқий ҳимоянинг бу каби меъёрларига қарамай, “Хьюман райтс уотч” ҳисоботида айтилишича, милициянинг ўзбошимчалиги ҳақида мурожаат этишнинг мавжуд тизими гей ва бисексуалларни зўравонлик ва таъмагирликдан ҳимоя этиш учун етарли эмас. “Хьюман райтс уотч” сўровида қатнашган эркаклардан фақат икки нафаригина ўзларига бўлган зўравонлик ҳақида расман шикоят қилишга журъат топа олган, холос. Улардан бири ўз шикояти юзасидан ҳеч қандай жавоб олмади. Яна бирининг шикоятига илова қилинган тиббий хулоса инobatга олинмади. Милиция ички суриштирув ўтказиш билан кифояланиб, гейни таҳқирлаган ходимга нисбатан жиноят иши очишни рад этди.

Ҳисоботни тайёрлаш жараёнида сўралган гей ва бисексуал эркакларнинг кўпчилиги, шунингдек, ҳуқуқ ҳимоячилари шикоят ёзишнинг фойдасиз экани ва Қирғизистонда мавжуд суд тизими доирасида ҳимоя олиш имконсизлигини ҳис қилишини билдирди. Улар “Хьюман райтс уотч”га ҳокимиятнинг бу шикоятлар билан шуғулланишга тайёр эканига ишончи йўқлигини айтди. Улар ўзларининг ҳуқуқларини бузганлар ёки бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари томонидан қасос олиниши борасида асосли хавотирга эгадир. Улар ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари уларнинг шахсий ҳаёт ва

махфий маълумотларга оид ҳуқуқини ҳурмат қилмаслигини, жинсий мойиллиги борасидаги ахборотларни оила аъзолари ва жамоатчиликка ошкор этишидан ҳайиқади.

Ички ишлар вазирлиги мулозимлари “Ҳьюман райтс уотч” билан интервью чоғида шикоят ёзган гей ва бисексуал эркакларни милиция ёки куч ишлатар тизимлар ходимларининг эҳтимолий тазйиқидан ҳимоя қилишга ожиз эканини очиқ тан олди.

Милиция ходимларининг гей ва бисексуал эркаклар ҳамда ўсмирларга нисбатан “Ҳьюман райтс уотч” томонидан қайд этилган ўзбошимчаликлари қийноқлар ва шафқатсиз муносабатларнинг олдини олиш ҳамда бунинг учун жазолаш бўйича мақсадли саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш заруратини кўрсатмоқда.

Бундай ҳаракатлар гейлар ва бисексуал эркакларга нисбатан содир этилиши ҳам жазосиз қолмаслиги керак. Қирғизистон ҳукумати милициянинг зўравонлиги тўғрисидаги, гей ва бисексуал эркакларга нисбатан таъмагирлик ҳолатлари ҳақидаги маълумот тақдим этилишини рағбатлантирадиган чоралар кўриши керак. Жумладан, ҳукумат яқинда ташкил этилган Қийноқларга қарши миллий марказ ва Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил идорасига ваколат ва воситалар бериш йўли билан бундай шикоятларни олиш ва тегишлича текширув ўтказиши лозим.

Ҳукумат барча шикоятлар айбдор шахслар жазоланишини таъминлайдиган тарзда тезкорлик билан тергов қилинишига эришмоғи даркор. Ҳокимият гейлар ва бисексуал эркаклар, бошқа озчиликлар ўч олинишидан кўрқмасдан кўрқмасдан шикоят этиши учун қурбонлар ва гувоҳлар ҳимоясини таъминлайдиган дастур ишлаб чиқиши шарт.

## Тавсиялар

### Қирғизистон ҳукуматига

- Қирғизистонда милиция томонидан гей ва бисексуаллар эркакларга нисбатан зўравонлик ва таъмагирлик муаммосининг қўлами ва жиддийлигини ошкора тан олиш, ўз зиммасига бу каби суиистеъмолликларга чек қўйиш учун барча зарурий чораларни кўриш мажбуриятини олсин.
- Ҳуқуқ-тартибот ходимлари тарафидан қийноқ қўллаш, таъмагирлик ва шафқатсиз муносабатда бўлиниши жазосиз қолмаслигини кўрсатувчи, милициянинг зўравонлигига оид ҳар бир мурожаат зудликда ва синчковлик билан тергов қилиниши ва айбдорлар жазога тортилиши ҳақида энг юқори даражада қабул қилинган директивалар тўғрисидаги ахборотларни нашр этиш ва кенг тарқатишни давом эттирсин.
- Ҳуқуқий меъёромаларда милиция томонидан озчиликлар ва бошқа қалтис гуруҳлар, жумладан, гей ва бисексуал кишиларга нисбатан зўравонлик муаммоси алоҳида кўрсатилсин.
- Бош прокуратурага ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан қийноқлар қўлланилгани ва бошқа зўравонликлар содир этилгани ҳақидаги барча даъволар жабрдийдалар тарафидан расмий шикоят бор-йўқлигидан ва айбланувчининг мақомидан қатъи назар, Қирғизистон қонунчилигига мувофиқ равишда синчковлик билан, ҳолисона ва ўз вақтида тергов қилиниши борасидаги ўз мажбуриятларини бажариши лозимлиги уқтирилсин.
- Қийноқлар ёки шафқатсиз муносабатлар қурбонлари Қирғизистон қонунларига мувофиқ давлатдан тегишлича тоvon олиши ва реабилитация қилиниши кафолатлансин.
- Ҳуқуқ-тартибот органлари ва прокуратура ходимлари учун инсон ҳуқуқлари, шунингдек, ЛГБТ озчилик ҳуқуқлари ва дискриминация қилмаслик бўйича тренинг дастурлари ишлаб чиқиш учун Қирғизистондаги ЛГБТ (Лесбиён, Гей, Бисексуал, Трансвистит) озчиликни ҳимоя қиладиган гуруҳлар билан ҳамкорлик қилсин; гейлар, бисексуал эркаклар ва бошқа озчиликлар ўртасида маърифий тадбирлар ўтказсин, шунингдек, милициянинг гейлар ва

бисексуал эркекларга нисбатан зўравонлиги олдини олишга қаратилган бошқа чора-тадбирлар қўлласин.

- Қийноқларга қарши миллий марказ ва қийноқларнинг олдини олиш бўйича бошқа воситалар шафқатсиз муносабат қурбонлари, жумладан, ЛГБТ озчилик ва ўз шахсий маълумотларини сир сақлашга маҳкум бошқа қалтис гуруҳлар вакилларида шикоятлар олиншининг самарали механизмини ўз ичига олишини кафолатласин.
- Қийноқларга қарши миллий марказ ва қийноқларнинг олдини олиш бўйича бошқа муассасалар ходимлари ЛГБТ ҳуқуқларини ҳимоя этувчи гуруҳлар билан ҳамкорлик қилиши ҳамда ЛГБТ ҳуқуқлари ва дискриминация қилмаслик масалалари бўйича ўқитилиши кафолатлансин.
- Омбудсмен, фуқаролик ташкилотлари ва ЕХҲТ билан маслаҳатлашувлар жараёнида Омбудсмен идораси милиция ходимлари ҳаракатлари юзасидан шикоят топшириш учун мустақил миллий орган вазифасини қабул қила оладими, Омбудсмен идораси тегишли мандат ва ресурсларга эгами, деган саволга жавоб излансин.

## Қирғизистон Ички ишлар вазирлигига

- Ички ишлар вазирлиги милиция томонидан қийноқлар қўлланиши, шафқатсиз муносабатда бўлиниши ва таъмагирлик қилинишини қоралаши ва айбдорлар жазоланишини ошқора баён қилсин. Милициянинг гей ва бисексуал кишиларга нисбатан зўравонлиги муаммосига эътибор қаратсин.
- Милиция ходими устидан қийноққа солганлик, шафқатсиз муносабатда бўлганлик ёки бошқа ҳуқуқбузарлик юзасидан шикоят тушганда ходимнинг ваколати суриштирувлар тугагунга қадар тўхтатилиши кафолатласин. Бундан ташқари, шикоят қилинган ходим ишлаётган бўлим суриштирув жараёнида гувоҳлик кўрсатмаси беришдан ташқари бошқа ҳеч қандай роль ўйнамаслиги таъминлансин. Барча ваколатлар дарҳол прокуратурага берилсин.
- Зўравонлик фактларини биладиган ёки билиши лозим бўлган, лекин унинг олдини олиш ва айбдорни жазолаш имконига эга бўлмаган юқори унвонли зобитлар ўқитилсин ва жазолансин.

- Вазирлик ҳеч қандай суиистеъмомликларга йўл қўймаслигини кўрсатиш учун жабрдийдаларга ички суриштирув натижалари ва кўрилган интизомий чоралар ҳақида маълум қилинсин, текширув ва суд кўрган чоралар ҳақидаги статистик маълумотлар эълон қилинсин.
- Ҳуқуқ-тартибот органларининг барча ходимлари униформасидаги исм-шарифи ва лавҳа ёрдамида идентификация қилиниши мумкинлиги кафолатлансин.
- Ҳуқуқ-тартибот органларининг барча ходимлари милиция тўғрисидаги, шунингдек, ҳибсда сақланиш муддати, қўлга олинганларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳимоя қилиш қоидалари ва чора-тадбирлари ҳақидаги қонунларга риоя этиши ва уларни бажаришини кафолатласин.
- Кузатув камералари ўрнатиш, ҳибсга олинганликни тегишли равишда расмийлаштирмаган милиция ходимларини жавобгарликка тортишни таъминлаш йўли билан ҳибсга олинганларни рўйхатга олмаслик амалиётига қарши курашилсин. Бунда БМТнинг қийноқлар масалалари бўйича махсус маърузачиси ҳисоботида Қирғизистонга берилган тавсияларга амал қилинсин.

## Қирғизистон Бош прокуратурасига

- Милиция ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан қийноққа солинганлик, шафқатсиз муносабат, таъмагирлик ва бошқа қонунбузарликлар тўғрисидаги барча шикоятлар тезликда ва холисона тергов қилинсин. Қийноқлар ёки шафқатсиз муносабатларни амалга ошириш ёки бепарво бўлишда айбдор топилган ҳар қандай амалдор мартабасидан қатъий назар қонун олдида жавоб беришига эришилсин.
- Қонун бузилишлари ҳақидаги ҳисобот жабрдийдаларнинг, жумладан, шикоят билан мурожаат этган гейлар ва бисексуал эркакларнинг махфийлик ва шахсий ҳаётга бўлган ҳуқуқи ҳурмат қилинишини кафолатлашига эришилсин.
- Ҳар бир текширув тез ва холис ўтиши ҳамда прокуратура барча айбдор томонлар, жумладан, юқори мартабали амалдорларни тафтиш этиши кафолатлансин.



- Ҳибсга олинганида қийноқларга ва бошқа қонунбузларликларга дучор этилганини таъкидлаганлар тезкор мустақил суд тиббий экспертизасидан ўтиши кафолатлансин.
- Милиция ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан содир этилган жиноятлар, жумладан, қийноқлар, шафқатсиз муносабат ва бошқа қонунбузарликлар ҳақидаги шикоятларни тафтиш қилиш учун Бош прокураторга бўйсунадиган алоҳида тергов органи ташкил этилсин.
- Ҳар бир маҳаллий прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар бўлимига милициянинг зўравонлигидан жарб кўрган ЛГБТ вакиллари ва бошқа қалтис гуруҳ аъзолари билан алоқада бўла оладиган ходим тайинлансин ва ўқитилсин.

### **Қирғизистон адлия вазирлигига**

- БМТ инсон ҳуқуқлари кенгаши тавсияларига мувофиқ, миллий қонунчиликнинг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг аёллар ва этник озчилик, жинсий мойиллик ва гендер мансублик бўйича дискриминацияга йўл қўймаслик тўғрисидаги бандларига мослигини таққосласин.

### **Қирғизистонда инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (Ҳақиқатчига)**

- ЛГБТ жамоаларининг милиция томонидан инсон ҳуқуқлари бузилаётгани ҳақидаги шикоятларини конфиденциал асосда қабул қилсин ва тафтиш этсин.

### **Қийноқларга қарши миллий марказга**

- Диққат-эътиборини ЛГБТ жамоалари дохил қалтис гуруҳларга нисбатан қийноқлар ва шафқатсиз муносабатларни мониторинг қилишга қаратсин. Шафқатсиз муносабатлар ва қийноқлар, жумладан, ЛГБТ вакилларига нисбатан, тўғрисидаги шикоятларни уларнинг ҳибсда ёки озодликда эканидан қатъи назар, конфиденциал асосда тадқиқ этсин.

### **Қирғизистонда ЛГБТ ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ташкилотларга**

- Милиция томонидан гей ва бисексуал эркаклар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга қаратилган тадбирларни зудликда ишлаб чиқсин. Улар зўравонлик қурбонлари учун маърифий тренинглар ва материалларни, милициядан жабр кўрганларга ҳуқуқий ва руҳий кўмакни ўзида қамраб олсин.
- ЛГБТ жамоаларининг милиция ходимлари содир этадиган ҳуқуқбузарликлар, Қирғизистон фуқароларининг халқаро ҳуқуқ доирасидаги ҳуқуқлари юзасидан хабардорлигини оширсин, шунингдек, милиция ходимлари устидан шикоят қилиш механизмидан хабардор этсин.

### **Қирғизистонда милицияни ислоҳ этиш, қийноқлар ва шунга ўхшаш йўналишларда фаолият юритаётган инсон ҳуқуқлари ташкилотларига**

- Милиция ходимлари томонидан гейлар ва бисексуалларга нисбатан таъмагирлик, таъқиб, асоссиз ҳибсга олиш, шафқатсиз муносабат ва жинсий зўравонликка оид фактларни расмийлаштириш, милиция суиистеъмоликлари қурбони бўлган гей ва бисексуалларга ҳуқуқий ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича ЛГБТ ташкилотлар билан ҳамкорлик қилсин ва кўмак берсин.
- Милиция ходимларининг гейлар ва бисексуалларга нисбатан қийноқлари, шафқатсиз муносабати ва таъмагирлиги муаммосини Қирғизистоннинг ҳукумат амалдорлари, халқаро ташкилотлар ва ҳамкор ташкилотлар билан муҳокамалар кун тартибига киритсин.

### **ОИТС профилактикаси билан шуғулланувчи маҳаллий ва халқаро ННТлар ҳамда халқаро ташкилотларга**

- Ўз дастурлари ва маърифий тадбирларини ишлаб чиқиш жараёнида милиция ходимларининг қалтис гуруҳлар, жумладан, гей ва бисексуалларга муносабати масаласини устивор масалалар сирасига киритсин.
- ЛГБТ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотларини инсон ҳуқуқлари ва озчиликлар ҳуқуқлари бўйича тренингларга фаол жалб этсин, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, судьялар ва прокурорлар ўртасида ЛГБТ ҳуқуқларини ташвиқот қилсин.

## Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига

- ЛГБТ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш гуруҳлари билан маслаҳатлашувлар жараёнида ЛГБТ озчилик ҳуқуқларини Қирғизистонда ЕХҲТ томонидан қўллаб-қувватланаётган милицияни ислоҳ қилиш дастурларининг ажралмас қисми ҳисобласин.
- Қирғизистонда милицияни ислоҳ этиш жараёнида милиция суиистеъмоликларининг олдини олишга устивор эътибор қаратиш давом эттирилсин. ЕХҲТ томонидан молиялаштирилаётган дастурлар милициянинг суиистеъмоликларини бартараф этиш доиралари ва мезонларини аниқ белгилашини кафолатласин.
- Милициянинг мутлақ суиистеъмоликлари, жумладан, гейлар ва бисексуал эркакларга нисбатан зўравонликларини расман ошкора қайд этиш зарурати юзасидан Ички ишлар вазирлигининг юқори лавозимдаги мулозимлари ва бошқа амалдорларга мурожаат этилсин.

## АҚШ, Европа Иттифоқи ва ЕИга аъзо айрим давлатларга

- Милициянинг гей ва бисексуалларга нисбатан зўравонликларини ошкора қораласин ва бу масалани ҳукумат вакиллари билан турли учрашувлар чоғида муҳокама этсин.
- Милиция зўравонлигига учраган гей ва бисексуалларга ҳуқуқий, руҳий ва бошқа ҳимояни таъминлаш мақсадида ЛГБТ ва бошқа инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотларига молиявий ва бошқа кўмакларни таъминласин.
- ЕИнинг 2013 йил июндаги лесбиёнлар, гейлар, бисексуаллар, транссексуаллар ва интерсексуаллар ҳимоясига оид директивасига мувофиқ, ЛГБТга қарши ҳар қандай зўравонлик шакллари билан курашишга кўмаклашсин. Шундай зўравонликлар қурбонларига ёрдам кўрсатилиши ва уларга товон тўланиши учун мурожаат этсин, фуқаролик жамияти ва ҳукумат муассасаларининг зўравонлик ҳолатларини мониторинг қилиш ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини тарбиялашга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватласин.

- Дискриминация қилмаслик, жумладан, жинсий мойиллик ва гендер мансублик юзасидан ажратиб ташлаш масалалари ЕИнинг Марказий Осий бўйича ҳуқуқий ташаббуслари доирасидаги ҳуқуқий тренингларига қўшилсин.

## **БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармасига (ИХБОКБ)**

- ЛГБТ ҳуқуқлари ИХБОКБнинг 2013 йил июль ойида бошланган “хурлар ва тенглар” кампаниясига мувофиқ Европанинг Марказий Осий бўйича минтақавий офиси муҳокамасига қўйилиши керак бўлган устивор масалалар рўйхатига киритилсин. Бу кампания “гомофобия, трансфобия ва дискриминациядан хабардорликни ошириш, ЛГБТ ҳуқуқларини ҳурмат қилишни рағбатлантириш”га қаратилган.
- Қирғизистон ҳукумати билан миллий қонунчиликда инсон ҳуқуқлари соҳасида, жумладан, ЛГБТнинг БМТнинг шарномавий органлари ва бошқа механизмларида белгиланган ҳуқуқлари борасида белгиланган халқаро стандартларига мувофиқ қийноқлар ва дискриминацияга оид ўзгартишлар ишлаб чиқиш борасида ҳамкорлик қилсин.
- ЛГБТ жамоасини ошқора қўллаб-қувватлашини билдирсин ва ЛГБТ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари билан мунтазам учрашиб турсин. ЛГБТ гуруҳларининг давлат сиёсати ва бошқа масалаларга оид тавсияларини муҳокамани эътиборга олсин. ЛГБТни ҳимоя қилиш гуруҳларини ИХБОКБ фуқаролик жамияти коалициясига қўшсин.